

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Г.Юсупова</b>	
Ўзбекистон халқ хўжалигида Фарғона иқтисодий районининг ўрни (XX асрнинг 50-70 йиллари мисолида) .....	162
<b>Д.Юлдашева, Н.Набиева</b>	
Энахон Сиддиқованинг “Ватанга бахшида умр” ҳужжатли лиро-эпик қиссасида замонамиз қаҳрамони масаласи .....	165
<b>И.Жўраев</b>	
Бадиий адабиётда ижтимоий-маиший муаммолар ифодаси.....	168
<b>О.Холматов</b>	
Э.М.Ремарк романларида уруш ва инсон талқини .....	171
<b>С.Хақназарова</b>	
Абдулла Шер асарларида миллий менталитет ва маҳаллий колорит ифодаси .....	175
<b>А.Мамажонов</b>	
Мазмуни умумлашган қўшма гаплар.....	178
<b>Н.Қўлдашев</b>	
Экологик лингвистика фанлараро илм-фан сифатида: манба ва динамика .....	181
<b>М.Ғофурова</b>	
Нутқнинг лингвомаданий жиҳатдан бўёқланганлиги ва уни белгиловчи омиллар .....	185
<b>У.Буриева</b>	
Функционал дискурс таҳлили муаммолари .....	189
<b>Д.Ҳакимова</b>	
Нутқий мулоқотнинг гендерологик фарқланиш масалаларига оид .....	192
<b>Ҳ.Сотволдиева</b>	
Мақол ва маталлар олами идрок этиш миллий хусусиятларининг инъикоси сифатида .....	195
<b>М.Мамажонов</b>	
Аллюзив антропонимлар ва уларнинг бадиий матнда қўлланилиши.....	198
<b>Ш.Имомназарова</b>	
Ўлан ва лапар жанрларининг ўзаро муштарак ҳамда фарқли хусусиятлари .....	200
<b>Ф.Анварова</b>	
Синонимларнинг тилда қўлланилиши .....	204
<b>М.Ҳайитова, М.Мирзаахмедов</b>	
Боғча болалари ўртасида инглиз тилини ўқитишни такомиллаштиришнинг баъзи педагогик асослари .....	207

УДК: 8-32

**ЭНАХОН СИДДИҚОВАНИНГ “ВАТАНГА БАХШИДА УМР” ҲУЖЖАТЛИ ЛИРО-ЭПИК ҚИССАСИДА ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИ МАСАЛАСИ**

**ВОПРОС ГЕРОЯ НАШЕГО ВРЕМЕНИ В ЛИРИКО-ЭПИЧЕСКОМ РАССКАЗЕ ЭНАХОН СИДДИКОВОЙ “ВАТАНГА БАХШИДА УМР” (“ЖИЗНЬ, ПОСВЯЩЕННАЯ РОДИНЕ”)**

**THE ISSUE OF THE CONTEMPORARY HERO IN THE DOCUMENTARY LIRO-EPIC NOVEL BY ENAKHON SIDDIKOVA “THE LIFE, DEVOTED TO THE MOTHERLAND”**

**Д.Юлдашева, Н.Набиева**

**Аннотация**

Мақолада Энахон Сиддиқованинг “Ватанга бахшида умр” ҳужжатли лиро-эпик қиссаси замонамиз қаҳрамонини яратиш концепциясига дахлдор шахсни ҳаёт йўлини чуқур лиризм ва наср уйғунлигида тасвирланганлиги мисолларда таҳлил этилган.

**Annotation**

In this article, Enakhon Siddikova's documentary lyrical epic “The life, devoted to the motherland” is an example of person's concept of creating a modern hero, depicting the way of life in deep lyricism and prose.

**Аннотация**

В статье на примерах проанализировано изображение в гармонии глубокого лиризма и прозы жизненного пути личности, причастной к концепции создания героя нашего времени в документальной лирико-эпической повести Энахон Сиддиковой «Ватанга бахшида умр».

**Таянч сўз ва иборалар:** лиро-эпик қисса, ўзликни англаш, тарихий учрашув.

**Ключевые слова и выражения:** лирико-эпическая поэма, самосознание, историческая встреча.

**Keywords and expressions:** liro-epic novel, self-awareness, historical encounter.

Президентимизнинг “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир”, деб номланган маърузасида бугунги адабиёт ва санъат, маданият соҳалари олдида турган долзарб муаммолар, мураккаб масалалар очиқ-ойдин айтилган, уларни бартараф этиш юзасидан амалий таклифлар, кўламдор ечимлар ўртага ташланган эди.

Маъруза аввалидаёқ “Инсон қалбини, унинг дарду ташвишларини, халқнинг орзу-интилишлари, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини бетакрор сўз, оҳанг ва рангларда тараннум этишни ўз ҳаётининг маъно-мазмунини деб биладиган сиз, муҳтарам ижод аҳлининг меҳнати нақадар машаққатли, масъулиятли ва шарафли эканини барчамиз яхши биламиз”, дея ижод аҳлига нисбатан эҳтиром билдирилиши учрашувнинг самимий, чин юракдан суҳбат тарзида ўтишини белгилаб берди. Юртбошимиз ижод аҳли азалдан “жамият тафаккурининг эгалари” дея юксак баҳоланишини яна бир

бор эслатди.

Айтиш жоизки, миллий адабиётимизнинг XX-XXI аср ривожига Энахон Сиддиқованинг муносиб ўрни бор. У ўзига хос бадиияти, тили ва ифода тарзи, давр қаҳрамонидаги ҳаётини ҳақиқатларни ёрқин ифодалаши, замон ва макон бирлигининг бадиий талқинини кўрсата олиши билан янги давр адабиётида ўзига хос йўналишни очиб берди.

Ҳамиша халқ ичида юриб, эл дардини уқиб, ижод қилувчи Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқова ўзликни англаш эҳтиёжи, бурч ва масъулиятига, қалб амрига кўра “Ватанга бахшида умр” мавзусида лиро-эпик қисса яратди. Унда бир умр ер билан тиллашиб яшаган, борини даласига бахшида қилган ва жасоратли меҳнати туфайли мамлакатга доврў таратган Фарғона вилоятилик Лолахон Муротованинг камтарона, аммо шонли умр йўли маҳорат ила талқин этилди. Китобхон қиссани ўқиши билан соддагина фермер аёлининг сурати ва сийратини бир ўзбек аёлининг мағрур қиёфаси сифатида кашф этиб боради.

Ҳужжатли лиро-эпик қисса беш фаслга бўлиниб, унда “Дала

**Д.Юлдашева** – ФарДУ, мактабгача таълим кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.  
**Н.Набиева** – ФарДУ талабаси.

маликаси”, “Қизил кетмон”, “Турсуной бўлай дерман”, “Орзулар рўёби”, “Насос станцияси”, “Халқни чўлга кўчирган қиз”, “Манзура, қарам қилиш идеологияси”, “Лоланинг кафтида куйлайди тупроқ”, “тарихий учрашув, “Пахта толасида Ватан расми бор”, “Лоланинг Президентга мактуби” каби қисмларни ўз ичига жамлаган.

Асарнинг муқаддима қисми: “Қашқирдай увиллаб чиққан кечалар, Ёри бўлган унга ёлғизлик, хаёл. Кетмон билан ёрган зулмат кўксини Балолар тиғида юрган

Оппоқ дуррасида оқарар тонглар  
 Меҳрининг чўғидан чиқади қуёш...  
 Ватани шу шийпон, ори шу шийпон...  
 Тўзгин сочларидан ўпади шамол,  
 Бошларига болиш бўлар уватлар...  
 Тушига кирмаган ўлан тўшаги  
 Хиёнатлар қилмас ёри шу шийпон...  
 Кўзларига сурма, қўлга хиномас.  
 Кўм-кўк ғўзасига бинолар қўйган.  
 Берган бўлса гар зеб, юзга оромас,  
 Хаста далаларга шифолар қўйган...  
 Бўйнига тақмаган бир тилла занжир,  
 Далалар кўксига олтинлар таққан...

Шоира қаҳрамонни она тимсолига боғлаб, ҳаётни ғўзаллик ва эзгулик манбаи сифатида тасвирлашга, юрагидан жўшиб чиққан ғўзал ҳис-туйғуларни турфа ранглари билан ифодалашга интилади. Чунки онанинг меҳри дарё, кўнгли эзгуликка мойил, қайси фарзанди қийин аҳволда қолса, она ўша ерда, она ҳар бир фарзандини бирдай дуо қилади, она баъзан мушфиқ, ёлғиз, уни ранжитган умрбод гуноҳга ботади, онанинг нолиши тошни ёради. Айни шу ҳаёт ҳақиқатини муаллиф дoston мазмунига сингдиради:

Гўдак тамшанмаган сийналарида,  
 Эмизган дўл урган ғўзаларини,  
 Худодан сўраган йиғлаб, ёлвориб,  
 Уватга қонатиб тиззаларини...

Сил бўлган тупроққа юрагин бериб,  
 боласидай унга қоврилиб боққан...

Қўш бешикни қучган ёлғиз онадек,  
 пайкалларни қучар зор кўнгли муштоқ...

Китобхон асарни ўқир экан, беихтиёр Лола Муротова болалиги ўзининг болалик чоғларига ўхшаш эканлигини англаб боради. Қишлоқнинг жайдари, софдил, меҳнатқаш одамларини ўз яқинларидай кўра бошлайди. Ўт, олов қиз бўлган Лолахоннинг

бу аёл” деб бошланади. Лола Муротованинг қора баҳордан кеч кузгача изғирин, саратонда қум ялаб қилган бир умрлик меҳнатини муаллиф бадиий тасвир воситалари орқали назм ва наср уйғунлигида тасвирлаб кетади. Жарнинг ёқасидаги ҳувиллаган забун, бўроннинг захми келган юпун чўлларни Хизр чайласига айлантирган аёлнинг суратини ўқувчига ажиб назокат билан чизиб беради:

бир бурда зоғора нон билан қорнини алдаб, далага онаси олдида чопиши, тошдан қаттиқ тирикчилик ситамларидан шўх-шодон, техникага меҳр қўйиб улғайганлиги, тушларида машинада пахта териши, отасининг “Иж” русумли мотоциклини миниб, даладан ўт ташигани жуда чиройли тарзда тасвирланган. Катпут техника билим юртидаги ўқитувчиси Равил ака маслаҳати билан Тошкентда Қўйлиқ индустриал техникумининг аввал кундузги бўлимида, кейинчалик сиртқи бўлимини тугатиб, аввал 130 тонна пахта терган тракторчи, сўнг 30 нафар ёшларга бригадир бўлиши, вилоят миқёсидаги катта анжуманларда сўзга чиққанда, тиниб тинчимайдиган, шижоатли, ташаббускор, самимияти билан ёшларни эргаштира оладиган бу қизни барча яхши кўриб қолиши, 22 ёшида вилоят Кенгаши депутати бўлиши асарни янада ўқимишли қилиб, тарбиявий аҳамиятини оширади.

Насос станциясининг қурилишидаги кескин ҳаракатлар, ташландиқ 5-Киров бўлими Учмақум тарафларда барханлар орасида йўқолиб кетиши тусмолланган Лолахон Муротованинг аввалига 3-4 центнердан аранг пахта олинган қумликдан

38 центнергача пахта олиши китобхоннинг яна эътиборини тартади.

Қиссанинг учинчи фасли асарнинг энг ўқимишли, чуқур изтиробга тўлган қисми саналади. Унда 1983 йилнинг 25 апрелида собиқ КПСС МК нинг биринчи котиби Андроповнинг Тельман Гдлян ва Николай Ивановлар бошчилигидаги комиссияси Тошкентга келиб, “пахта иши” деган умумий ном билан тергов олиб боргани, бу балонинг Фарғона, Олтиариққа ҳам етиб келгани, “Пахтакор” савхозни директори Ҳабибулло Юсуповнинг қамоққа олиниши, Лола Муротованинг жасорати қизиқарли тарзда баён қилинади.

Дили қоврилиб чиқар чиқар ўйласа...

Юраги соврилиб чиқар ўйласа...

Асар “Лоланинг Президентга мактуби” билан яқунлашиб, Лола деганда Олтиариқ, Олтиариқ эсланганда Лолахон Муротова ёдга келиши бадиий воситалар ёрдамида воқеланади:

Лола десам, Ватан ёдимга тушар,

Ватан десам, ЛОЛА, жилмаяр ўктам.

Лиро-эпик қиссани ўқиб бўлиб, адабанинг чин маънода ўз халқи учун асар яратганлигига, ўзбек халқи Лола Муротова қиёфасида уни кўз ўнгида турганлигига, унинг сўз билан халқ туйғуларига йўл топганлигига таҳсин ўқийсиз. Адабиёт – ҳаёт дарси. Ҳаётда ғурур, эрк, диёнат, садоқат

каби инсонни комилликка чорловчи тушунчалар бадиий асарда воқеланиши зарур. Энахон Сиддиқованинг “Ватанга бахшида умр” лиро-эпик қиссаси замон қахрамони образини, Ватанимиз тарихининг бадиий солномасини яратиб, ёшлар маънавий камолотига хизмат қилади, уларда юртга дахлдорлик туйғуларини тарбиялайди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, бугунги мураккаб замонда адабиётнинг муҳим вазифаси устувор масала бўлиши зарур: “Айниқса, ҳозирги нотинч ва таҳликали замонда бутун башарият олдида пайдо бўлаётган, биз илгари дуч келмаган ғоят мураккаб муаммолар, глобал хавф-хатарларни биргаликда бартараф этиш, шу йўлда барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштиришда, дунё аҳолисининг қарийб учдан бир қисмини ташкил этадиган ёшларни гуманистик ғоялар руҳида тарбиялашда бадиий сўз санъатининг ўрни ва масъулиятини ҳар қачонгидан ҳам юксалтириш зарурлигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда”.

Энахон Сиддиқованинг “Ватанга бахшида умр” лиро-эпик қиссаси ҳам айти шу масалада – ёш авлодни инсонпарварлик ғоялари руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

#### Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий олами юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. // Халқ сўзи. – 2017 йил, 3 август.
2. Сиддиқова Э. Ватанга бахшида умр. – Т., 2019.

(Тақризчи: А. Сабирдинов – филология фанлари доктори)